



## **Etказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

### **ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ**

#### **Танлаш хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлаш иштирокчилари учун йурикнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

#### **ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА**

##### **1. ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ**

**1. Танлаш предмети: Фаргона вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейига махсус кийим бош етказиб бериш.**

1.2. Танлаш қиймати: Фаргона вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейига махсус кийим бош етказиб бериш; махсус устки кийим - 20 дона, махсус тикилган шим - 20 дона, кепка- 20 дона, махсус халат 4 дона етказиб бериш қиймати 10 000 000 (Ун миллион) сумни ташкил этади. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

1.3. Ишларни бажариш муддати:

Шартнома имзолангандан сунг 10 иш кунни давомида буюртмачи томонидан курсатилган манзилларга тулик етказиб беришни таъминлаш.

1.4 Ишларни бошлаш муддати- шартнома Газначилик булимида руйхатдан утказилгандан сунг томонларнинг келишувига асосан 10 кун муддат ичида етказиб берилиши шарт. (бунда: об-х,аво ёки шунга ухшаш х,олатлар урганилади).

##### **2. ТАНЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Фаргона вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейига (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлаш ташкилотчиси х,исобланади.

“Буюртмачи” манзили: Фаргона шаҳар Мураббийлар кучаси 26-уй

2.2. Танлаш “Буюртмачи” томонидан танлаш утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3. Танлаш Бешарик тумани мактабгача таълим булими - "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

### 3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлашда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар ҳамда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркорлар)лар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлаш предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳукукий лаёкат ва ваколатлар;

уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;

Низом маблаг микдори.

3.3. Агар танлаш предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. куйидаги талабгорларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хдмда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон курунишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танлашлар утказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. танлаш ҳужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва етказиб бериладиган маҳсулотлар курсатилиши керак;

- Нархлар кисми, танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4.4. куйидаги ҳужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар руйхати илова килинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.5. Танлаш иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган ҳужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳукукига эга.



## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлаш муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлаш иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлаш ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч қун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида уч қунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган булса, танлаш утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлаш иштирокчиси танлаш ҳужжатлари қоидаларини танлаш утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки қун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлаш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган қундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5. Танлаш натижалари буйича шартнома танлаш ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда қурсатилган шартлар асосида тузилади.